

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

ТЎЛАГОНОВА ШАҲНОЗА АБДУМАЖИДОВНА

ҚАДИМГИ ТУРКИЙ БИТИГЛАРДА КЕЧГАН
СТЕРЕОТИП БИРЛИКЛАР:
СЕМАНТИКА ВА СТИЛИСТИКА МАСАЛАЛАРИ

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

УЎК: 811.512.1

КБК: 81.2-5 (5)

T - 83

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)
on Philological Sciences**

Тўлағонова Шаҳноза Абдумажидовна

Қадимги туркий битигларда кечган стереотип бирликлар: семантика
ва стилистика масалалари..... 3

Тулағонова Шаҳноза Абдумажидовна

Стереотипные единицы в древнетюркских надписях: вопросы
семантики и стилистики 27

Tulagonova Shakhnoza Abdumajidovna

Stereotypic units in ancient Turkic scripts: semantic and stylistic
approach 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

ТЎЛАГОНОВА ШАҲНОЗА АБДУМАЖИДОВНА

ҚАДИМГИ ТУРКИЙ БИТИГЛАРДА КЕЧГАН
СТЕРЕОТИП БИРЛИКЛАР:
СЕМАНТИКА ВА СТИЛИСТИКА МАСАЛАЛАРИ

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Fil561 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsuos.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Содиқов Қосимжон Позилович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Омонов Қудратилла Шарипович
филология фанлари доктори, профессор

Рахмонов Насимхон Асқарович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru.)

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21.)

Диссертация автореферати 2021 йил « ___ » _____ куни тарқатилди.

(2021 йил « ___ » _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Маннонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Р.А. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

Х.З.Алимова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., доц.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида қадимги туркий битигларга туркий халқларнинг умумий маданияти, тарихини ўзида акс эттирувчи қимматли манба, бугунги туркий тилларнинг муштарак мероси сифатида қаралади. Туркологияда мазкур битигларга доир кўплаб тадқиқотлар мавжуд. Дастлабки тадқиқотлар мазкур битигларнинг топилиши, ўқилиши ва матн интерпретацияси билан боғлиқ бўлган.

Дунё туркологлари томонидан қадимги туркий битиглар борасида адабиётшунослик ва тилшунослик жиҳатидан салмоқли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Кейинги йилларда қадимги туркий битиглардаги стереотип бирликлар юзасидан айрим фикрлар ўртага ташлана бошлади. Бироқ аксар тадқиқотларда уларга адабий анъана маҳсули сифатида қаралган. Мавжуд илмий ишларда стереотип бирликлар турдош ходисалар билан умумлаштириб ўрганилган. Стереотип бирликларни тилшунослик аспектида ўрганиш, уларни тил материали сифатида талқин қилиш зарурати мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Сўнги йилларда Республикамизда илм-фанни ривожлантиришга қаратилган эътибор янги босқичга кўтарилди. Шундай ишлар сирасида ўзбек туркшунослигини янги босқичга кўтариш билан боғлиқ тадқиқотлар салмоғи ортиб бормоқда. Бугунги ўзбек туркологиясида янги натижаларга эришиш учун қадимги туркий битигларни изчил тадқиқ қилиш муҳимдир. Ҳозирга қадар қадимги туркий битиглардаги қолип ифодалар, уларнинг турлари, матндаги вазифалари каби масалалар ўз ечимини тўлиқ топмаган. Шу маънода, қолип ифодаларнинг бир тури – стереотип бирликларнинг турдош бирликлардан фарқи ва ўхшашлиги, улар барқарорлашувининг семантик-стилистик омиллари, айна тип бирликларнинг кейинги давр тилидаги кўринишлари масалалари илмий асосланмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 7 феврилидаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳақида»ги ПФ-4947-сон¹, 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги ПФ-5850-сон Фармонлари², 2017 йил 24 майдаги «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2995-сон³, 2020 йил 16 апрелдаги «Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги⁴ ПҚ-4680-сон Қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹ <https://lex.uz/docs/3107036>

² <https://lex.uz/docs/4561730>

³ <https://lex.uz/docs/3211987>

⁴ <https://lex.uz/docs/4791086>

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қадимги туркий тилда ёзилган асарлар ўзбек тили тарихинигина эмас, балки барча туркий халқлар тилини ўрганишда асосий манбадир. Шунинг учун мазкур манбалар тилшунослик, адабиётшунослик ҳамда тарихшунослик фанлари доирасида ўрганилган. Жаҳон туркологиясида қадимги туркий битигларнинг топилиши ва ўқилишининг ибтидоси ғарб шарқшунослари номи билан боғлиқ. Хусусан, В.Радловнинг⁵ бир қанча ишлари мазкур битигларга бағишланган. Шунингдек, А.Габеннинг⁶ қадимги туркий битигларга оид тадқиқотлари мавжуд.

Рус шарқшуносларидан С.Маловнинг⁷ битиглар матни ва интерпретацияси бўйича бир нечта ишлари бор. С.Кляшторнийнинг илмий фаолияти ҳам айти битиглар борасидадир⁸. И.Стеблеванинг тадқиқотларида қадимги туркий битиглар поэтикаси очиқ берилган. Битиглардаги стереотип бирликлар хусусидаги теран тадқиқотлар ҳам айти олима қаламига мансубдир⁹.

Туркиялик олимларнинг ҳам бу соҳада салмоқли ишлари мавжуд. Ҳ.Ўрхун, У.Серткаянинг илмий фаолияти шулар жумласидандир¹⁰. Туркий битиглар матни поэтикаси, ўзига хос услуби ва стереотип бирликлар тадқиқи эса Т.Текиннинг қатор монографияларида кўзга ташланади¹¹. Қолаверса, бу борада Ҳ.Гўкдаи, Ж.Эрўл, Н.Акялжин ва Д.Айдўған, Ш. Серкан, А.Дўған каби олимларнинг ҳам тадқиқотлари мавжуд¹².

⁵ Radloff W. Die alttürkischen Inschriften der Mongolei. I. – St-Pbg, 1884; Ўша муаллиф. Die alttürkischen Inschriften der Mongolei. II. – St-Pbg, 1885; Радлов В., Мелиоранский М. Древнетюркские памятники в Кошо-Цайдаме. – СПб, 1897.

⁶ Annemarie von Gabain. Altürkische Literature I. – Leipzig: Otto Harrassowitz, 1950; Ўша муаллиф. Altürkische Literature II. – Wiesbaden: Otto Harrassowitz, 1974.

⁷ Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. – М.: Академия наук, 1951; Ўша муаллиф. Енисейская письменность тюрков. Тексты и переводы. – М.–Л., 1952; Ўша муаллиф. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии. – М.–Л., 1959.

⁸ Кляшторный С. Памятники древнетюркской письменности и этнокультурная история Центральной Азии. – М.: Наука, 2006.

⁹ Стеблева И.В. Поэтика древнетюркской литературы и ее трансформация в раннеклассический период. – М., 1976. Ўша муаллиф. Тюркская поэтика. Этапы развития VIII-XX вв. – М.: Восточная литература, 2012.

¹⁰ Orkun Hüseyin Namık. Eski türk yazıtları. – Ankara, 1987; Osman Fikri Sertkaya. Köktürk Tarihinin Meseleleri / Türk Kültürünü Araştırma Enstitüsü Yayınları. Seri IV. – Ankara, 1995; Ўша муаллиф. İslami Devrenin Uygur Harfli Eserlerine Toplu Bir Bakış. – Bochum, 1977; Ўша муаллиф. Altay, Yenisey ve Moğolistan yazıtları üzerine notlar // Uluslararası türkçe edebiyat kültür eğitim dergisi. Sayı 3/3. – İstanbul, 2014. – SS. 1-13.

¹¹ Talat Tekin. Orhon Yazıtları. Kül Tigin, Bilge Kağan, Tunyukuk. 2. Baskı. – İstanbul: Simurg, 1998; Ўша муаллиф. Orhon Yazıtları. 4. Baskı. – Ankara, 2010; Ўша муаллиф. Türkoloji Eleştirileri. – Ankara: Simurg, 1997; Ўша муаллиф. Tarih Boyunca Türkçenin Yazımı. – Ankara: Simurg, 1998.

¹² Necmi Akyalçın, Damla Aydoğan. Atabetü'l-hakayık'da yer alan ikilemeler ve kalıp sözler // Homeros. – № 3. – Çanakkale/Türkiye, 2020. – SS. 105-112; Gökdayı H. Türkçede Kalıp sözler. – Ankara: Kriter Yayınevi, 2015; Erol Ç. Türkiye Türkçesinde Kalıp Sözler Üzerine Bir İnceleme. – İstanbul: İstanbul Üniversitesi, 2007; Serkan Şen. Eski türkçede gök ile yerin adlandırılışında renklere dayalı deyim aktarmalarından yararlanma ve 'kara' sözcüğünün kökeni üzerine // İlmî araştırmalar. Sayı 24. – İstanbul, 2014. SS 129-136. Doğan Aksan. Göktürk yazıtlarında söz sanatları güçlü anlatım yolları // Türk dili araştırmaları yillığı – Belleten. Cilt 38. – İstanbul, 1990. – SS. 1-12.

Ўзбек олимларидан дастлаб Фитрат қадимги туркий битигларни ўрганган. Кейинроқ қадимги битиглар матни ва мазмуни А.Қаюмов томонидан амалга оширилган¹³. Туркий битиглар матнининг лингвистик тадқиқи Ғ.Абдурахмонов ва А.Рустамов томонидан олиб борилган¹⁴. Қадимги туркий битиглар поэтикаси ва уларнинг халқ оғзаки ижоди билан муносабати Н.Раҳмонов тадқиқотларида очиб берилган¹⁵. Матнлардаги стереотип бирликлар тадқиқи ҳам олимнинг назаридан четда қолмади. Ўзбек туркологиясидаги навбатдаги салмоқли ишларни Қ.Содиқов бажарган¹⁶. Олим мазкур матнларнинг турли жиҳатларини ёритиш баробарида, стереотип бирликларга ҳам алоҳида эътибор қаратади. Бу соҳадаги сўнгги изланишлар Қ.Омонов фаолиятида кўзга ташланади¹⁷. Олим қадимги расмий услуб тадқиқи давомида стереотип бирликларга ҳам алоҳида тўхталади.

Стереотип бирликларнинг туркологиядаги мавжуд тадқиқи бу соҳада қилиниши керак бўлган тадқиқотларга эҳтиёж қолдирмайди, деган фикр уйғотмаслиги лозим, чунки бу соҳада ҳали ўз ечимини топмаган масалалар анчагина. Хусусан, стереотип бирликлар ёндош бирликлардан ажратилиб, монографик планда тадқиқ этилмаган. Мазкур бирликлар тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганилиб, уларнинг ифода имкониятлари очиб берилиши лозим.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Мумтоз адабиёт намуналарини тилшунослик, адабиётшунослик, матншунослик ва манбашунослик жиҳатидан тадқиқ этиш» мавзуидаги илмий йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қадимги туркий битиглардаги стереотип бирликларнинг семантик-стилистик хусусиятлари, уларнинг ёзма адабий тилдаги трансформацияси масалаларини ёритиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

қадимги туркий битиглардаги стереотип бирликларни тил материали сифатида ўрганиш;

¹³ Қаюмов А. Қадимият обидалари. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1972.

¹⁴ Абдурахмонов Ғ. Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Т.: Ўқитувчи, 1982.

¹⁵ Раҳмонов Н. Култегин ёдгорлигининг поэтикаси. / Ўлмас обидалар. – Т.: Фан, 1989. Ўша муаллиф. Турк хоқонлиги. – Т.: Абдулла Қодирий, 1993; Ўша муаллиф. Орхоно-Енисейские памятники и тюркские эпосы. Автореф. дисс.... филол. наук. – Т., 1991; Раҳмонов Н., Матбобоев Б. Ўзбекистоннинг кўҳна туркий-рун ёзувлари. – Т.: Фан, 2006.

¹⁶ Содиқов Қ. Кўк турк битиглари: матн ва унинг тарихий талқини. – Т.: ТошДШИ, 2004; Ўша муаллиф. Қадимги туркий халқларнинг диний-фалсафий қарашлари. – Т.: ТошДШИ, 2004; Ўша муаллиф. Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши. – Т.: ТошДШИ, 2006; Ўша муаллиф. Кўк турк битиглари ва уларнинг талқини. – Т.: ТошДШИ, 2009. Ўша муаллиф. Turkiy til tarixi. – Т.: ToshDSHI, 2009; Ўша муаллиф. Култегин ва Билга хоқон битиглари: тарихий манбанинг матн тузилиши // O'zbekiston tarixi. – № 2. – Т., 1999. – Б. 45-53. Ўша муаллиф. Билга Тўноққўк битиги. // Ўзбек шарқшунослиги: бугуни ва эртаси. – Т.: ТошДШИ, 2011. – Б. 4-10. Содиқов Қ., Омонов Қ. Ўзбек тилининг ёзма услублари тарихидан. – Т., 2010; Содиқов Қ. Эски уйғур ёзуви. – Т.: Ғафур Ғулом, 1989; Ўша муаллиф. Култегин, Билга хоқон битигларидан ўрин олган «хоқон сўзи»нинг бошланмалари ва ёдномаларнинг матн тузилиши ҳақида // O'zbekiston tarixi. – № 3. – Т., 1999. – Б. 7-13. Ўша муаллиф. Илк ва Ўрта асрларда яратилган туркий ҳужжатлар. – Т., 2016. Ўша муаллиф. Уйғур ёзуви тарихи (манбашунослик ва китобат тарихи масалалари). – Т., 1997.

¹⁷ Омонов Қ. Туркий расмий услубнинг юзага келиши ва такомилли: филол.фан.докт. ... дисс.автореф. – Т., 2016; Ўша муаллиф. Ўзбек ҳужжатчилигининг асослари: юзага келиши ва тарихий такомилли. – Т.: ТошДШИ, 2016.

битиглардаги стереотип бирлик ва формулаларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш;

стереотип бирликларнинг чегараларини белгилаш;

стереотип бирликларнинг мавзу гуруҳларини шакллантириш ва уларнинг умумий мазмунини очиқ бериш;

стереотип бирликларнинг маъно хусусиятлари, улардаги кўпмаънолилик, маъно кўчиш ҳодисаларини асослаш;

стереотип бирликларнинг такрор қўлланиши, барқарорлашуви билан боғлиқ услубий омилларни аниқлаш;

қадимги туркий битигларда кечган стереотип бирликларнинг кейинги давр асарлари тилидаги вариациялари ва поэтик аъъана масалаларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қадимги туркий ёдгорликлар: Тўнжук, Кул тигин, Билга хоқон, Унгин, Мўюн-чўр, Кули-чўр, Тарият битигларидаги стереотип бирликлар танланган.

Тадқиқотнинг предметини қадимги туркий битиглардаги стереотип бирликларнинг семантик ва стилистик хусусиятларини таҳлил қилиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий, семантик-стилистик, анализ-синтез, тавсифлаш каби таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

туркологияда муайян термин ва назарий қараш остида бирлаштирилган қолип ифодалар икки турга (стереотип бирлик ва формулалар) ажратилиб, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари асосида аниқ чегаралари кўрсатилган;

стереотип бирликларнинг поэтик тафаккурда маълум воқеликни ифодалаш нуқтаи назаридан уларнинг тил материали сифатида танланиши далилланган;

стереотип бирликлар етгита мавзу гуруҳига ажратилган ҳамда ушбу бирликлар муайян бирикма ёки жумланинг ҳосила маъноси асосида юзага келиши аниқланган;

стереотип бирликларнинг барқарорлашувида уларда қўлланган аллитерация, сўз такрори, синтактик параллелизм, эллипсис, антитеза, контекстуал синонимия каби стилистик фигура ва бадиий ифода воситаларининг ўрни асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қадимги туркий битиглардаги қолип ифодаларнинг икки тури аниқланган. Ушбу ифодаларнинг бир тури – стереотип бирликлар поэтик тафаккурда тайёр ҳолатда мавжудлиги хусусияти сабабли уларнинг тил материали эканлиги маълум бўлган;

стереотип бирликларнинг барқарорлашувига сабаб уларда қўлланган поэтик, семантик ва стилистик омиллар билан боғлиқлиги бўйича хулосаларга келинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашувлар, усуллар, назарий маълумот ва мисолларнинг илмий нашрлардан олинганлиги, республика, халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференция

тўпламлари, ОАК рўйхатидаги журналларда чоп этилган мақолалар, хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қадимги туркий тилдаги стереотип бирликларнинг турдош ҳодисалар билан умумий ва фарқли жиҳатларини белгилаш, стереотип бирликлар матнларига тил материали сифатида танланишини асослаш, бирликларнинг матнларда барқарорлашувига уларнинг семантик ва стилистик хусусиятлари бош омил бўлишини далиллашда, қадимги туркий битигларда кечган стереотип бирликлар кейинги давр асарлари матнига тил материали сифатида танланишини очиқлашда қимматли далилларни бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «Қадимги туркий тил», «Мутахассисликнинг назарий масалалари» каби ўқув фанларидан маъруза матнлари, дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлаш ҳамда туркология йўналишида махсус курслар ўтказишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қадимги туркий битигларда кечган стереотип бирликлардаги семантика ва стилистика масалаларини тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

VIII-IX асрларда яратилган қадимги туркий битиглар ва уларда мавжуд стереотип бирликлар, стереотип бирликларнинг кейинги давр тилига трансформацияси билан боғлиқ натижалардан ОТ-Ф1-71 рақамли «Илк ва ўрта асрлар Марказий Осиё минтақасида этнолингвистик вазият» мавзуидаги лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 23 сентябрдаги 89-03-3473-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланиши қадимги туркий тил давридаги лингвистик вазиятни ёритишга хизмат қилган;

диссертацияда келтирилган «Девону луғати-т-турк» асаридаги парчалар тадқиқининг семантик қамрови ҳамда далилларидан Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида давлат илмий-техника дастури доирасида бажарилган ПЗ-2016-0911134349 рақамли «Девону луғати-т-турк» асарининг рус тилига таржимасини нашрга тайёрлаш ва нашр қилдириш» мавзуидаги лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2020 йил 20 ноябрдаги №3/1255-2576-сон маълумотномаси). Лойиҳа доирасида «Девону луғати-т-турк» асарининг рус тилига тўғри таржима қилиниши учун сўзларнинг семантик қатламини аниқлашда диссертациядаги асардан келтирилган парчалар ва кўчирмаларнинг семантик қамрови ҳақидаги далиллардан фойдаланилган;

қадимги туркий битигларда кечган стереотип бирликлар таҳлиliga доир хулосалардан «Маданият ва маърифат» телеканалининг «Буюк юрт алломалари» ҳамда «Башарият сиймолари» кўрсатувларининг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Маданият ва маърифат» телерадиоканалининг 2020 йил 2 сентябрдаги 01/16-85-сон маълумотномаси). Натижада қадимги туркий тилда мавжуд тил

бирликлари, уларнинг фарқли жиҳатлари, тил бирликларининг кейинги даврлардаги вариацияси хусусидаги маълумотлар кўрсатувларнинг таъсирчанлиги ва илмийлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш эълон қилинган, шундан Ўзбекистон Республикаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола чоп этилган, жумладан, 6 таси республика ва 1 таси чет эл журналарида.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 126 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ҳамда вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Стереотип бирликлар тил материали сифатида**» деб номланган биринчи бобида қадимги туркий битигларда кечган стереотип бирликларнинг ўрганилиши, уларнинг формулалар, фразеологизмлар ва эпик барқарор бирликлар билан ўхшаш ва фарқли жиҳатлари хусусида фикр юритилади.

Қадимги туркий битигларда муайян қолип ифодалар такрор қўлланган. Битиглар матнидан мазкур ифодаларнинг оддий тавтология эмаслигини англаб олиш мушкул эмас. Туркий халқларнинг ўлмас мероси – ўрхун битигларида *tün udımadım, күнтүз olurmadım* жумласи такрор қўлланиб, қолип ифодага айланди. Масалан, Кул тигин битигида Билга хоқон тилидан айтилган шундай жумлани ўқиймиз: ...*Türük bodun üčün tün udımadım, күнтүз olurmadım* (...Турк халқи учун тун ухламадим, кундуз ўтирмадим) (К. 27)¹⁸.

¹⁸ Ушбу диссертацияда қуйидаги қисқартмалар қабул қилинди: *E* – Енисей битиглари (Малов С.Е. Енисейская письменность тюрков. Тексты и переводы. – М.–Л., 1952); *K* – Кул тигин битиги: *Ka* – кичик битиг, *K*, *Kb* – улуғ битиг, *K.I–III*, *Kc* – тошнинг тарошланган қирралари ва терс томонидаги ёзув; *X* – Билга хоқон битиги: *X* – тошнинг юз томонидаги ёзув, *Xa*, *Xb* – икки ёнидаги ёзув, *Xc* – тошнинг терс ёғидаги ёзув, *X.I–II* – тарошланган қирралардаги ёзув; *Ton* – Тўноқ битиги; *O* – Ўнгин битиги: *O* – тошнинг юз томони, *Oa* – ўнг ёғи, *Ob* – юқоридаги ёзув, *Os* – бошқа бир тошдаги ёзув (Содиқов Қ. Эски туркий битиглар. – Т.: ТошДШИ, 2009); *Huast.* – Хуастуанифт битиги. (Асарнинг Санкт-Петербургда сақланаётган уйғур ёзувли қўлёзмаси асосида тайёрланган наشري: Содиқов Қ. Эски туркий битиглар. – Т.: ТошДШИ, 2009.). *MČ* – Мўюнчўр битиги: (Малов Е. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии. – М. – Л., 1959). Олинган мисоллар мазмунини беришда ҳам айни нашрларга таянилды.

Дастлабки тадқиқотлардаёқ мазкур ҳодисага нисбатан *этик клише*, *этик формула*, *стилистик формула*, *формулалар* каби терминлар берилди. Хусусан, И.Стеблева ўз монографик тадқиқотларида қолип ифодаларга нисбатан *стилистик формулалар* терминини қўллайди ва уларнинг матнда такрори адабий қонуниятлар асосида юзага келган, деган тезисни илгари суради. Айни фикр Н.Раҳмонов томонидан давом эттирилади. Олим қолип ифодаларни *стереотип формула* деб қайд этади ва мазкур бирликлар қўлланилишига яна бир сабаб сифатида ёдномалар сюжетидаги яқинлик деб кўрсатади.

Турк олимларидан Дўған Аксан ўрганилаётган ифодаларни *қолип бирликлар* (*kalıplaşmış ögeler*) деб атайди. Олимнинг фикрича, бу бирликлар маънони таъсирчан ифодалаш учун хизмат қилади. Қолип ифодалар тилшунослик нуқтаи назаридан Л.Тугушева тадқиқотларида ўрганилган. У бирликларни *стереотип ифода воситалари* деб атайди ва уларни тил элементлари сифатида баҳолайди. Қадимги туркий битигларда мавжуд қолип ифодалар орасидаги тафовутларни фарқлаш Қ.Содиқов тадқиқотларида кўзга ташланади.

Ўрганишлар натижасида қолип ифодалар замирида маълум қонуниятлар мавжудлиги англашилган. Битиглар тили ва поэтикасига оид тадқиқотларнинг аксариятида бу такрорларга муносабат билдирилган. Бироқ такрор қўлланган қолип ифодалар орасида (мазмун-моҳияти, матндаги вазифасига кўра) нозик фарқлар ҳам кузатилади. Қадимги туркий битиглар матнида учровчи қолип ифодаларни икки турга ажратиш мақсадга мувофиқ. Улар орасидаги фарқни очиқлаш учун шартли равишда бу икки тур *формулалар* ва *стереотип бирликлар* деб номланди.

Мазкур терминлар тилшуносликка оид луғатларда қуйидагича изоҳланган:

Формула турғун ибора, унинг тузилиш модели учун умумий бўлган ном, ибора – клише ва шу кабилар. Услубий формула¹⁹.

Тилшуносликка оид луғатларда *стереотип* термини турдош терминлар изоҳида берилган ўринлар мавжуд:

Сийқаланган, бир хил шаклдаги ё типик нутқий ва маиший матнларда ёки маълум адабий йўналиш, диалект ва шу кабиларда беихтиёр қайтадан қўлланиладиган стереотипик ифода. Фраза клишеси)²⁰.

Шунингдек, бошқа тилшуносликка оид луғатда *стереотип* сўзи изоҳида *клише*, *нусха*, *намуна*, *форма*, *шаблон* каби терминлар синоним сифатида келтирилган²¹.

Қадимги туркий битиглар матнида такрор қўлланган қолип ифодаларнинг бир тури – формулалардир. Уларнинг танланишида анъанавийлик муҳим аҳамият касб этади. Бу анъанавийлик асосида халқнинг диний-фалсафий тафаккури ётади. Хусусан, қадимги туркий битигларда бир нечта такрор келувчи бирикма ва жумлалар халқнинг диний тафаккури билан боғлиқ.

¹⁹ Ахманова О. Словарь лингвистических терминов. – М.: Советская энциклопедия, 1966. – С. 502.

²⁰ Ўша асар. – Б. 197.

²¹ Бу ҳақда қаранг: Жеребило Т.В. Словарь лингвистических терминов. Изд-е 5-е. – Назрань: Пилигрим, 2010. – С. 347.

Енисей битиглари матни формулалар асосида шаклланган. Формуланинг асосини *-a* кўшимчаси ва *adiriltim* сўзи ташкил қилади. *-a* кўшимчаси мурожаатни англатади. Марҳум бу кўшимча орқали яқинларига мурожаат қилади. Формулалар этикет ёки анъанавийликка бўйсунди. Улар кўпинча маълум бир матн талаби орқали юзага келади. Қабртош матнларида мотам ва қайғу ифодаси биринчи ўринга чиқади. Шунинг учун уларда *adiriltim*, *bökmädim* каби сўзлар формула сифатида қабул қилинган.

«Ирқ битиги»да ҳам жанр талабига кўра, бир неча формулалар мавжуд. Юзга яқин бўлимларнинг таъбир-хулосаси *anča biliñlär, edgü ol* (шундай билинглар, [бу иш] яхшидир), *anča biliñ, aniğ edgü ol* (шундай билинг, [бу иш] жуда ҳам яхшидир), *anča biliñlär, asiği bar, edgü ol* (шундай билинглар, фойдаси бор, [бу иш] яхшидир), *anča biliñlär, yabiz ol* (шундай билинглар, [бу иш] яхши эмас), *anča biliñ, yablaq ol* (шундай билинг, [бу иш] ёмондир), *anča biliñlär, aniğ yablaq ol* (шундай билинглар, [бу иш] жуда ёмон) каби формулалардир.

Битигларда мавжул қолип ифодаларнинг иккинчи тури – стереотип бирликлар эса маълум бир воқеликнинг энг унумли, услуб ва мазмун жиҳатидан пухта ишланган бадий ифодаси бўлганлиги учун қолипли бирликларга айланган. Ўқилгани ҳамон эса қоладиган мазкур бирликлар кейинчалик бошқа муаллифлар томонидан ҳам такрор қўлланган. Ушбу бадий тафаккур қолиплари асардан-асарга кўчиб юради. Албатта, бу жараёнда халқ оғзаки ижодининг таъсири катта. Чунки бу каби ифодаларнинг стереотип бирликларга айланишига бир муддат лозим бўлади. Дастлаб, бир кимса томонидан маълум бир воқеликни ифодалашда ўйлаб, саралаб айтилган гап бошқалар хотирасига муҳрланиб, ўхшаш вазиятларда қайта-қайта қўлланади. Бу тасвирий ифодалар асарнинг сайқал топишига ёрдам беради. Шубҳасиз, бу бирликлар ҳам мақол, ҳикматли сўзлар сингари халқ санъаткорлигининг маҳсулидир. Мазкур бирликлар хоҳ жумла, хоҳ сўз бирикмаси кўринишида бўлсин, уларга юкланган бадий-семантик вазифани амалга оширган. Бошқача қилиб айтганда, стереотиплар бадий-услубий жиҳатдан пухта ишлов берилган ифодаларга айланган. Натижада, маълум воқеликни баён этишнинг энг мақбул йўли мазкур бирликлар билан ифодаланади. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, фикр баёнида фразеологик бирликлар қандай эҳтиёжга кўра матнга киритилса, стереотип бирликлар ҳам худди шундай танланади.

Стереотип бирликлар кўпроқ бадий матнларда қўлланади ва ўзида мавжуд бадий-услубий жиҳатлари билан матндан ажралиб туради. Масалан: *toqli-böri qatilsun* – «қўзилар ва бўрилар аралашсин» стереотипи.

Қадимги туркий битиглардаги стереотип бирликлар «Девону луғати-т-турк» асарида ишлатилган туркий шеърий парчаларда қайта ишланган шаклда бўлса ҳам учраб туради. Эзгу истакни ўзида акс эттирган ушбу бирлик аҳил ва иноқликнинг чўққисини англатувчи умумий ифодадир.

Стереотиплар ифодаланаётган фикр ёки воқеликни ўзида яққол намоён этади. Шунинг учун улар матнларга эркин ҳолда танланади. Уларнинг формулалардан фарқини «Қутадғу билиг»дан олинган басмаланинг туркий талқинида яққол кузатиш мумкин:

*Bayat atı bilä sözüg başladım,
Törütgän, igidgän, keçürgän idim.*

Мазмуни: Худо номи билан сўзни бошладим,
Яратган, парваришлаган, кечирган эгамдир²².

Ушбу байт асарда бир неча бор қайтарилади. Яъни муаллиф уни асар бошида ҳам, баъзи янги боблар бошида ҳам беради. Шунингдек, асар сюжетида бир нечта мактублар ҳам мавжуд бўлиб, бу мактублар ҳам юқоридаги мисралар билан бошланади. Матннинг бу қисмини биз формулаларга мисол сифатида кўрамиз.

Юқоридаги байт *туркий басмала* деб юритилади²³. Маълумки, басмала мусулмон халқлари адабиётида мунтазам қўлланувчи формуладир. У ҳар бир асарнинг бошланмаси ҳисобланади. Қадимги кўк турк битигларида мавжуд *Tāñri-täg tāñridä bulmuş* (кўкдай (улуғвор) Тангридан (иноят) топган) ва ер-сув билан боғлиқ диний тафаккур таъсирида вужудга келган формулалар билан кейинги даврларда асарларнинг муқаддимасидан барқарор ўрин олган басмала, таҳмидлар вазифа жиҳатидан бир-бирига ўхшашдир. «Ҳибату-л-ҳақойиқ» асаридаги *bismillahir rahmanir rahim; Bu kün tegsü mendin durud; İlāhi keçürgän idim-sen, keçür; Uğan rahmat etsün; Keräk qil 'ijābat keräk qil 'itāb* каби ифодалар формулалар эканлигига далолат қилинган²⁴.

Шундай қилиб, формулалар ва стереотип бирликларнинг умумий жиҳати матнларда такрор келишида. Фарқли жиҳатлари эса формулалар матн тузиш анъаналарига бўйсунуши, диний-фалсафий тафаккур қонуниятларининг тилда ифодаланиши, матннинг жанр ва услуб талаби каби омиллар асосида такрорланади. Стереотип бирликлар эса кўзда тутилган фикрни, тасвирланган воқеликни таъсирчан ва образли тарзда етказа олиш имконияти туфайли барқарорлашган.

Стереотип бирликларни тил материали сифатида талқин қилиш керак. Стереотип бирликлар ҳам тилнинг лексик, фразеологик бирликлари каби қўллаш учун тайёр ҳолда туради. Қўллаш жараёнида макон ва замон, истеъфода этувчиларнинг сўз қўллаш маҳорати омиллари стереотип бирликларда турли вариацияларни юзага келтиради. Бу ўзгаришлар, асосан, таркибдаги сўзнинг синонимлари билан алмаштирилиши ҳамда инверсия ҳодисаларида намоён бўлади. Аммо англатган маъносида ўзгариш юз бермайди.

Стереотип бирликлар семантик функциясига кўра фразеологизмларга ўхшаб кетади. Ўрганилаётган стереотип бирликлар бутунлик (бирлашма) фразеологик бирлашма турига қиёсан ўрганилди. Чунки айна фраземанинг маъноси унинг таркибидаги сўзлар асосида изоҳланади.

Фразеологизмларнинг сўзга муқобиллиги стереотип бирликларда ҳам барқарор тарзда бўлмаса-да, кўзга ташланади. Масалан, *кўзи тўрт бўлди* фраземаси *кутмоқ* сўзига муқобил десак, стереотип бирликлардан урушдаги

²² Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Нашрга тайёрловчи ва кириш сўз муаллифи: Қ.Каримов. – Т.: Фан, 1971. – Б. 81.

²³ Бу ҳақда қаранг: Содиқов Қ. «Қутадғу билиг»да кечган туркий басмала ва Навоий ижоди / Алишер Навоий ва XXI аср мавзуидаги халқаро илмий-назарий анжуман материаллари. – Т., 2019. – Б. 259-261.

²⁴ Necmi Akyağın, Damla Aydoğan. Atabetü'l-hakayık'da yer alan ikilemeler ve kalıp sözler // Homeros. № 3. – Çanakkale/Türkiye, 2020. – S. 10

кўшиннинг *yadağin-yalañin käl-* (яёв-яланғоч кел-)ганини *енгилди* сўзига, қахрамонларнинг бирор мақсад йўлида *tün udimadim, küntüz olurmadim* (тун ухламадим, кундуз ўтирмадим)ни эса *ҳаловатсизланди* сўзига алмаштириш мумкин. Бироқ *енгилди* сўзининг *yadağin-yalañin käl-*; *ҳаловатсизланди* сўзининг *tün udimadi, küntüz olurmadi* стереотиплари олдида «ғариброк» эканлигини англаш қийин эмас. Экспрессив маъно ифодалаш стереотип бирликларга ҳам даҳлдор эканлиги маълум бўлади.

Фразеологизмлар мунтазам барқарорлиги, семантик жихатдан қайта шаклланганлиги билан фарқланади. Стереотип бирликларнинг инверсияга учраши, турли вариантларда намоён бўлиши уларни фразеологик бирликлардан фарқлайди.

Аҳамият қаратиш керак бўлган жихат шуки, фразеологизмлар лексик бирликлар каби стереотип бирликлар таркибида келиши мумкин.

Стереотип бирликка ўхшаш ифодалар фольклор асарларда ҳам анча фаол. Халқ оғзаки ижодига мансуб эпик асарларда биридан-бирига кўчиб юривчи бирликлар тадқиқотларда *барқарор эпик формулалар ёки стилистик формула* термини остида ўрганилган²⁵.

Улар (стилистик формулалар – таъкид бизники), биринчидан, халқ оғзаки ижодининг фақат эпик жанрига тегишли, иккинчидан, импровизация жараёнида мунтазам қўлланилиши натижасида барқарорлик ва доимийлик касб этган, учинчидан, анъанавий характерга эга, тўртинчидан, махсус поэтик восита саналади, бешинчидан, эпик асар баёнида ҳамиша қўллашга тайёр туради, олтинчидан, уларда у ёки бу даражада стилистик бўёқ мавжуд бўлади²⁶.

Биз тадқиқ этаётган стереотип бирликларда ҳам стилистик формулаларнинг юқорида санаб ўтилган айрим хусусиятлари мавжуд. Уларнинг фарқли жихатлари ҳам бор. Фарқлари қуйидагича:

Биринчидан, стереотип бирликлар қўлланиш кўлами ниҳоятда кенг бўлиб, муайян жанрлар билан чегараланмайди. Буни биз уларнинг қадимги туркий бадий ва расмий мантларда мавжудлигидан ҳам билиб олишимиз мумкин. Стереотип бирликлар ҳатто шеъринг матнларда ҳам учрайди.

Иккинчидан, битиглар ёзма мерос бўлгани учун ҳам импровизация жараёни стереотип бирликларнинг барқарорлашувига асос бўлмайди. Уларнинг барқарорлашувида мазмун ва баён услуби бош омил саналади.

Учинчидан, стереотип бирликлар, гарчи матнларда тез-тез такрорланса-да, уларни анъанавий характерга эга деб айтолмаймиз. Буни қуйидаги мисолда ҳам кузатиш мумкин: ...*Türük bodun üçün tün udimadim, küntüz olurmadim* (...Турк халқи учун тун ухламадим, кундуз ўтирмадим) (К. 27).

²⁵ Бу ҳақда қаранг: Мирзаев Т. Алпомиш достонининг ўзбек вариантлари. – Т.: Фан, 1968; Эшонқулов Ж. Эпик тафаккур тадрижи. – Т.: Фан, 2006; Маҳмадиев Ш. Ўзбек халқ достонлари тилида стилистик формулалар: филол.фан.номз. ... дисс. – Т., 2007. Эшанова З. Барқарор эпик формулаларда тоғ образи // Ўзбек ва шарқ халқлари адабиётида эпик анъана: миллий талқин масалалари. Халқаро илмий анжуман материаллари. – Т.: ТошДШИ, 2014.

²⁶ Маҳмадиев Ш. Ўзбек халқ достонлари тилида стилистик формулалар: филол.фан.номз. ... дисс. – Т., 2007. – Б. 27.

Кул тигин битиги билан бир замонда яратилгандан Тўнюкүк битигида ҳам шунга ўхшаш жумла икки ўринда учрайди: *Ol sabiğ äsidip tün udisiqim kälmädi, küntüz olursiqim kälmädi* (У хабарни эшитиб тун уйкум келмади, кундуз ўлтиргим келмади) (Топ. 12).

Мазкур жумлалардаги «тун ухламаслик», «кундузи ўтирмаслик» муайян мақсад, ташвиш учун бўлган ҳаловатсизликни англатувчи умумий ифода эканлиги учунгина матнларда такрорланган.

Стереотип бирликлар стилистик формулалардан фарқли равишда матн билан узвий боғлиқ. Чунки баъзи стилистик формулалар импровизация жараёнида шакл ва оҳанг жиҳатидан матнга боғланса-да, бизнингча, мазмун жиҳатидан боғланмайди. Лекин стереотип бирликлар ҳам стилистик формулалар каби қайсидир даражада стилистик бўёққа эга.

Стилистик формулалар ва стереотип бирликлар ҳам ўз навбатида умумий ва фарқли жиҳатларга эга. Стилистик формулаларнинг матн билан уйғунлиги уларни стереотип бирликларга жуда яқинлаштиради. Уларни қўллашдан асосий мақсад импровизация ёки анъанага эргашишдан кўра матн мазмунини ёрқинроқ очиб беришдир. Бундай стилистик формулалар асоси кўпроқ фразеологизмлар, ибора, афоризмлардан ташкил топган бўлади. Аммо уларни қўллашда адабий анъаналарга эргашиш мазкур бирликларни биз юқорида тадқиқ этган формулалар каби талқин қилишга олиб келади.

Диссертациянинг «**Қадимги туркий битигларда кечган стереотип бирликлар семантикаси**» деб номланган иккинчи бобида бирликларнинг мавзуй гуруҳлари ва маъно кўчиш ҳодисаси хусусида сўз боради.

Қадимги туркий битигларда тарихий воқеалар жонли, образли тарзда баён қилинган. Улар тарихий маълумотлар қаторида қадимги туркий тил ва ундаги қонуниятларни ўзида акс эттиради. Битигларда воқеа-ҳодисалар, ҳолатлар баёнида нисбатан барқарорлашган ифодалар такрор учрайди. Булар қадимги туркий битигларда кечган стереотип бирликлардир. Стереотип бирликлар қадимги туркий битигларда муайян ўзига хос услубни намоён этса-да, улар фақат мазкур асарларгагина хос эмас. Ўрганилаётган стереотип бирликлар ҳар қандай бадий матннинг кўрки бўла олади. Шу ўринда, стереотип бирликлар матн бадийлигини таъминловчи бадий воситалардан бири, деган фикр уйғониши табиий. Бизнингча, стереотип бирликлар бадий восита эмас. Аммо мазкур бирликлар бадий воситалар асосида шакллантирилган ифодалардир. Масалан, стереотип бирликлар ўхшатиш, қаршилантириш каби бадий ифода шакллари орқали баён қилинган. Ритмик-оҳанг жиҳатидан ҳам аллитерация, ритмик-синтактик параллелизм, такрорга асосланган бадий воситалар орқали шаклланган. Стереотип бирликларнинг қиймати кўрсатилган поэтик жиҳатлар билангина боғлиқ эмас. Яъни юқорида таъкидлангандек, балоғату фасоҳатга бой жумла ёки бирикма матнда кўзланган теран маънони ўзида мужассам этиши лозим. Халқ ибораси билан айтганда, «вақтида ва жойида айтилган гап»дек бўлиши лозим. Шу жиҳатдан ҳам стереотип бирликларнинг маъно хусусиятлари уларга мурожаат қилишнинг бирламчи омили ҳисобланади. Мазкур бирликларнинг бир нечта маъно гуруҳлари мавжуд: 1. Асир олинган

халқ; 2. Тинч-тотув, фаровон ҳаёт; 3. Ночор ва қашшоқ халқ; 4. Мусибат ва тушкунлик; 5. Фидоийлик ва ҳаловатсизлик; 6. Томон номлари; 7. Жанг ҳолатлари таърифидаги стереотип бирликлар.

Хусусан, асир олинган халқ таърифида ишлатилувчи стереотип бирликлар куйидагилардир:

Қадимги туркий битиглар қудратли турк хоқонлигининг қарор топиши, кенгайиши, бу йўлда кечган жангу жадаллар ҳақида ҳикоя қилади. Табиийки, бундай матнларда мағлубият ва асир олинган халқ аҳволи ҳақидаги тасвирлар ҳам мавжуд. Масалан, Кул тигин битигида қудратли турк хоқонлиги табғач халқининг ҳийлакорлиги сабабли қўлдан кетгани тўғрисида баҳс этилар экан, ўзлигини унутиб, турк отини қўйиб, табғач бекларига қарам бўлган халқ аҳволи баёнида куйидаги жумла келтирилган:

Tabğaç bodunqa bāglik urī oğlīn qul boltī, silik qiz oğlīn kūñ boltī (Табғач халқига бек бўладиган ўғил боласи билан қул бўлди, сулув қиз боласи билан чўри бўлди) (К. 7).

Бу жумла қарамликнинг, асирликнинг энг аянчли оқибатларини ифода этади. Аслида битигларга ушбу жумланинг ишлатилишидан кўзланган ғоявий-эстетик мақсад бор. Битиг матнини айтиб биттирган Билга хоқон уни ўқиғучиларни – турк халқини тарих хатоларидан огоҳлантиради.

Яна бир мисол:

Özi yañilti, qağani ölti, boduni kūñ qul bolti (Ўзи янглишди, хоқони ўлди, халқи чўри, қул бўлди) (К. 20).

Бу жумлада дастлабки ифода ихчам шаклда келган. Битиглар матни бўйлаб бу каби стереотиплар шакли ўзгариб, турли вариантларда учрайди. Масалан, куйидаги мисолда баён кенг ва батафсил берилган:

Barduq yärdä ädgüg ol ärinç: qanīñ subça yügürti, söñükūñ tağça yatdi, bāglik urī oğluñ qul bolti, silig qiz oğluñ kūñ bolti bilmädük üçün... (Борган ерингда эзгулик шу бўлса керак: қонинг сувдай оқди, суягинг тоғдай (уйилиб) ётди, бек бўладиган ўғил боланг қул бўлди, сулув қиз боланг чўри бўлди) (К. 24).

Юқоридаги сатрлар адашган халқни огоҳлантириш мақсадида берилган. Айрим ўринларда ушбу стереотип бирлик қаҳрамонларнинг қудратини кўрсатиб беришда қўл келади.

Qağansiramis bodunuğ, kūñädmiş, quladmış bodunuğ, türük törüsün içğimmiş bodunuğ äcim apam törüsünçä yaratmiş, boşğurmış (Хоқонини йўқотган халқни, чўрига айланган, қул бўлган халқни, турк ҳукмронлигини бой берган халқни ота-боболарим йўсунича оёққа турғазибди, бошқарибди) (К. 13).

Кўриб ўтган мисолларда бир стереотип бирлик турли вариацияларда (гоҳ қисқариб, гоҳ кенгайиб) келса-да, матн мазмунига путур етказмайди. Шунингдек, стереотип бирлик барқарорлигини ҳам синдирилмайди. Мухими стереотип бирлик асосини ташкил этган сўзлар (*kūñ, qul*) иштироки барқарор. *Bāglik urī oğlīn qul bolti, silik qiz oğlīn kūñ bolti* жумласида чўри, қул бўлувчиларнинг жинси ва айрим сифатлари билан келтирилган бўлса, кейинги ўринда баён қисқартирилиб (эллипсис услубида) *kūñädmiş, quladmış bodunuğ*

тарзида берилади. Лекин маънода жуда катта фарқ кузатилмайди. Чунки *kün, qul* сўзларидан шахснинг жинси англашилади.

Асир олинган халқ аҳволини англлатувчи яна бошқа стереотип бирликлар учрайди. Бироқ улар энди қахрамонлар ютуқларини ифодалашда фойдаланилган:

Tänri yarliqaduq ücün älligig älsirätmis, qağanliğig qağansiratmis, yağig baz qilmis, tizligig sökürmis, başliğig yüküntürmis...törüg qazğanip uça barmis. (Тангри ёрлиқагани учун эли борни элидан айирган, хоқони борни хоқонидан айирган, ёвни қарам қилган, тиззаси борни чўктирган, боши борни юкунтирган...хукмронлик қилиб вафот этган) (К. 15).

Бироқ бу қадимги туркий тилда мавжуд барча стереотип бирликларни қамраб олмайди.

Қадимги туркий битиглардаги стереотип бирликлар контекстда кўзланган маънони маромига етказиб ифодалаб беради. Шунинг учун улар ўхшаш вазиятларда қўллаш учун инсон онгида тайёр материал сифатида сақланади. Стереотип бирликларни маъно жиҳатдан бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин. Бунда асосий эътибор, стереотип бирликлар бераётган дастлабки ахборот эмас, балки уларнинг поэтик маънолари назарда тутилади.

Қадимги туркий битиглардаги стереотип бирликларда маъно кўчиш ҳодисаси кузатилади. Маъно кўчиши кўпинча тилнинг лексик бирликларида рўй беради. Фразеологизмларда ҳам бу хусусият етакчи.

Стереотип бирликларнинг фаол қўлланишидаги асосий омил ҳам улар ташиётган дастлабки маъно эмас, кўчма маънолар эканлиги ойдинлашади.

Стереотип бирликлар таркибидаги лексемаларнинг мавжуд семаларидан айримларининг бирлашуви кутилаётган маъно учун хизмат қилади. Масалан, *tün udimadim, küntüz olurmadim* бирлигидаги сўзлар семаларини ўрганайлик.

1) *tün* нинг «сутка»нинг бир неча соатдан иборат «қисми», «қоронғу» «пайт», «ухлаш вақти» (дам олинадиган) семалари мавжуд.

2) *küntüz* нинг «сутка»нинг бир неча соатдан иборат «қисми», сутканинг «ярми», «ёруғ» «пайт», кундалик «машғулотлар вақти» семалари бор.

3) *udimadim* «машғулот» «ҳолати», «дам олмаслик».

4) *olurmadim* «машғулот» «ҳолати», «дам олмаслик».

Сўзлар ўртасида семантик боғланиш классема деб юритилади²⁷. *Udimadim, olurmadim* сўзларининг айнан «дам олмаслик» семалари боғланиши натижасида, кўзда тутилган маъно юзага келади. Бу ўринда *tün* ҳам ўзининг «ухлаш вақти» семаси билан юқоридаги сўзларга классема бўла олади. *Küntüz*нинг қайси семаси боғлиқлик ҳосил қиляпти, деган савол туғилади. Чунки унда «дам олиш» маъноси йўқ. Буни мантиқан изоҳлаш мумкин. Юқорида таъкидлангандек, кундузи турли машғулотлар билан банд бўлинади. Ана шулар орасида тин олиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Стереотип бирликнинг биринчи компонентида «тунда дам олмаганлик» таъкидланяпти. Физиологик

²⁷ Бу ҳақда қаранг: Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Т.: Mumtoz so‘z, 2010. – Б. 14-20.

жихатлар инсонни тунда дам олмаса, кундузи дам олиши кераклигини тақозо қилади.

Бундан ташқари *tün* ва *küntüz* сўзлари бирлик шаклида бўлса-да, кўпликни ифодалайди. Натижада ақлан тасаввур қилиш қийин бўлган «тунлари ҳам кундузлари ҳам дам олмаслик» маъноси келиб чиқади. Ушбу жумлани биз фақат мажозий маънода қабул қила олишимиз мумкин бўлади. Яъни «бирор мақсад йўлидаги ҳузур-ҳаловатсиз»ликни англатади.

Битигларда қўлланган ***tört buluj*** (тўрт тараф) бирикмаси ўзида бир қанча маънони акс эттиради. Шулардан биринчиси, «кенглик», «бепоён» маъносидир. Иккинчи маъноси – «қуршов»ни англатади. Ушбу бирликнинг яна бир маъноси – «билим», «тажриба»дир.

Ar qoy, aq arğuş ulğartdim, basiniğma yağış kälürür ärtim, qağanimin sü ältimiz, täñri yarliqazu (Кўнғир қўй, оқ отни улғайтирдим. Босадиган ёвни поймол қилгучи эдим. Хоқони билан лашкар тортдик, тангри ёрлиқасин) (Топ. 53).

Битигнинг ўзи ва бошқа тарихий манбалардан аниқ бўладики, Тўнюқук давлат арбоби, амалдор шахс бўлган. Юқоридаги жумлада эса у кўнғир қўй ва оқ отни боқиб улғайтирганлигини айтади. Ушбу маъно бироз эриш туюлади. Мазкур жумла, яъни *ar qoy, aq arğuş ulğart* – *ни* ҳам стереотип бирликлар сирасига киритамиз. Агарда унинг кўчма маъносини назарда тутсак.

Бу ўринда, кўчма маъно эҳтимоли катта. Чунки ушбу жумлагача Тўнюқук қилган буюк ишлари, жанглари хусусида сўзлайди. Турк халқи ва хоқони учун қилган меҳнатини эътироф этади. Сўнгра кўнғир қўй ва оқ отни улғайтирганини таъкидлайди. Яъни *ar qoy, aq arğuş ulğart*- ҳам Тўнюқук амалга оширган оламшумул ишларидан бири бўлиши лозим. Энди ана шу жумла маъносини очишга ҳаракат қиламиз:

1. Ушбу жумла ёши улуғ, тажрибали, тадбирли кишининг хизматларига ишора қилади. *Ar qoy* – кўнғир қўй ва *aq arğuş* – оқ от символик характерга эга. Яъни Тўнюқук ўз тадбиркорлиги билан халққа манфаат етказадиган кишиларни тарбиялаганига ишорадир.

2. Ушбу жумла халқ озиғи ва мудофаасини таъминлаган кишига нисбатан қўлланган. Бу ўринда ҳам *ar qoy* – кўнғир қўй ва *aq arğuş* – оқ от символик характерга эга. *Ar qoy* (кўнғир қўй) орқали халқ озуқасини таъминлаган бўлса, *aq arğuş* (оқ от) билан эса турк элининг мудофааси мустаҳкамланган. Мазкур ишларнинг бошида хоқон ва унинг донишманд вазири Тўнюқук турган.

Ҳар бир стереотип бирлик образли тафаккур маҳсули сифатида юзага келади. Хусусан, қуйидаги узун жумлани биргина «бўйсундирди» ёки «енди» сўзи билан алмаштириш мумкин (албатта бу сўзлар мазкур жумла каби эстетик таъсирни бера олмайди):

Täñri yarliqaduq ücün älligig älsirätmis, qağanlığış qağansiratmis, yağış baz qilmis, tizligig sökürmis, başliğış yüküntürmis...törüg qazğanip aça barmis (Тангри ёрлиқагани учун эли борни элидан айирган, хоқони борни хоқонидан айирган, ёвни қарам қилган, тиззаси борни чўктирган, боши борни юкунтирган...хукмронлик қилиб вафот этган) (К. 15).

Ушбу жумла бешта компонентдан ташкил топган бўлиб, уларнинг ҳар бири «енгди», «асир қилди», «банди қилди» маъносини беради. Дастлабки иккиси: *älligig älsirätmis* (эли борни элидан айирган), *qağanliğiğ qağansiratmis* (хоқони борни хоқонидан айирган) эгалик қилиш ва маҳрумлик маъноларига асосланган ҳолда ўзига хос ифода яратилган.

Бирикмаларни тўла англаб олиш учун уларни бир бошдан синчиклаб кўриб чиқиш керак. *Älligig* сўзидан мурод «эли бор, элли одам». Аслида *ällig* от туркумидан ясалган сифатдир. компонентлар таркибидаги *-liq, -liğ, -lik, -lig / -luq, -luğ, -lük, -lüg* аффикси қадимги туркий тилда отдан сифат ясовчи кўшимчадир. Бирикмада эса ушбу сифат отлашган. Таркибдаги *-ğ, -g (-iğ, -ig / -uğ, -üğ)* эса қадимги туркий тилдаги тушум келишиги кўшимчасидир²⁸. Яъни *äl* (от), *ällig* (сифат яъни элли), *älligig* (от).

Älsirätmis феълнинг сифатдош шаклидир. Унинг таркибидаги *-sira, sirä* аффикси «исташ», «зор бўлиш» маъносини берувчи феъл ясайди. Таркибдаги *-at, -ät* ортгирма нисбат феълени ясовчи кўшимчаси; *-mis, -mis* сифатдош ясовчи кўшимча. Ушбу кўшимча айни пайтда ўтган замонни англатишга ҳам хизмат қилади.

Älligig älsirätmis бирикмаси дастлаб «элли одамни элига зор қилди, элидан айирди» маъносини беради. Юқоридаги таҳлилни *qağanliğiğ qağansiratmis* жумласига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Стереотип бирликларнинг матнларда фаол қўлланиши сабаби ҳам бирликлардаги номинатив маъно эмас, кўчма маъно билан боғлиқдир. Айрим стереотип бирликларда эса кўпмаънолилиқ ҳолати ҳам кузатилади. Стереотип бирликларда маъно кўчишнинг рамз, аллегория, синекдоха каби турлари учрайди.

Диссертациянинг учинчи боби «**Стереотип бирликлар стилистикаси ва трансформацияси**» деб номланган. Унда стереотип бирликлар услуби ва бирликларнинг кейинги даврдаги трансформацияси хусусида сўз боради.

Стереотип бирликлар турли стилистик фигура ва троплар ўзига хос баён услубини намоён этади. Биз қуйида стереотип бирликлар услуби хусусида фикр юритар эканмиз, уларнинг стилистикасини шунчаки очиб беришни мақсад қилмаймиз. Стереотип бирликларнинг матнларда такрорланиши, тафаккурда рамзий ўрнашишининг услубий омилларини топишга ҳаракат қиламиз.

Туркий битиглар насрий матнлардир. Аҳамиятли жиҳати стереотип бирликлар ўзига хос ритмга эга. Уларда ритмикликни келтириб чиқарувчи асосий омиллар ритмик-синтактик параллелизм ва такрорлардир.

Қадимги туркий битигларда кечган стереотип жумлаларда мавжуд ритмик-синтактик параллелизмлар ва уларни вужудга келтиришдаги такрорларни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Älligig älsirätmis, qağanliğiğ qağansiratmis, yağiğ baz qilmis, tizligig sökürmis, başliğiğ yüküntürmis (К.15) стереотип жумласи:

²⁸ Бу ҳақда қаранг: Содиқов Қ. Қадимги туркий тил. – Т.: ТошДШИ, 2009.

<i>Äl</i>	-lig, -liğ	-ig, iğ	<i>äl</i>	-sirät, -sirat	- mis, -mīs
<i>Qağan</i>			<i>qağan</i>		
<i>Yağ</i>	-		<i>baz</i>	<i>Qil</i>	
<i>Tiz</i>	-lig, - liğ		<i>sök</i>	<i>Ür</i>	
<i>Baş</i>			<i>yükün</i>	<i>Tür</i>	

bodunqa bäglik urī oğlin qul bolti, silik qiz oğlin küñ bolti (K.7) стереотип жумласи:

<i>Bäglich</i>	<i>urī</i>	<i>oğlin</i>	<i>Qul</i>	<i>bolti</i>
